

## Ёшлар тадбири

---



Автомобиль йўллари кўмитаси ёшлар етакчиси — Муслимбек Йўлдошев ташаббуси билан жорий йилнинг 30 апрель куни Тошкент автомобиль ва йўллари техникумида ўқувчи ёшлар ўртаси ёшларни илмга қизиқтириш мақсадида йўл қоидалари ва йўл-транспорт йўналиши бўйича тадбир ташкиллаштирилди.

---

Тадбирда талаба ёшлар 3 та гуруҳга бўлиниб, ўзаро беллашди.



Мусабобада талаба ёшлар ўзаро билимларини синаб кўришди ҳамда бугунги кунда долзарб масалалар юзасидан сахна кўринишлар тайёрлаб тамошабинлар ҳукмига ҳавола этишди. Тадбир сўнгида барча чиқишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланиб, ғолиблар аниқланди. Унга кўра "Ёш нозирлар" жамоаси мусабоба ғолиби деб — топилди.



Тадбир якунида ғолиб бўлган жамоа талаба ёшларига эсдалик совғалари улашилди.

Автомобиль йўллар қўмитаси

Матбуот котиби